NAMANGAN VILOYATI MINGBULOQ TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jomasho`y shaharcha, Bo`ston ko`chasi, 30 uy

2022 - yil 14 - dekabr 636-6-81-Q/22 Mingbuloq tumani hokimligi

Мингбулоқ туманидаги табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни 12, 30, 32-34, 44, 45-моддалари, “Давлат хизматлари ягона реестри”га (рўйхат рақами 3181, 2019 йил 13 сентябрь) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мингбулоқ туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимининг 2022 йил 30 ноябрдаги 185-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мингбулоқ туманидаги табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш нормалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мингбулоқ туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими (А.Хатамов) ва қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Хакимов) мазкур қарор билан тасдиқланган нормаларга риоя этилишини назорат қилиб борсин.

4. Ушбу қарор “Мингбулоқ” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (Mingbuloq.uz) жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгачкучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Ҳ.Бойларов) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Н.Худойбердиев**

Mingbuloq tuman hokimining
2022 yil 14 dekabrdagi
636-6-81-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Мингбулоқ туманидаги табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш

НОРМАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда фойдаланувчилар) томонидан Мингбулоқ туманидаги табиий пичанзор ва яйловларда ёввойи ҳолда ўсувчи пичанларни чорвачилик эҳтиёжлари учун ўриш (кейинги ўринлардатабиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш) нормаларини белгилайди.

2. Ушбу нормалар қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

давлат ўрмон фондининг табиий пичанзор ва яйловларига;

жисмоний ва юридик шахсларнинг эгалигидаги ёки фойдаланувидаги пичанзор ва яйловларга.

3. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳисобланади.

II. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш учун қўйиладиган талаблар

4. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш ушбу мақсадларга мўлжалланган ёки махсус бериб қўйилган, шу жумладан захира ерларидаги табиий пичанзор ва яйловларда амалга оширилади.

5. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш рухсатнома асосида ҳамда ҳақ эвазига амалга оширилади.

6. Фойдаланувчиларга рухсатномалар Наманган вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан берилади.

7. Рухсатнома “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда ҳамда тасдиқланган квоталар доирасида берилади.

8. Табиий пичанзор ва яйловлар пичан ўриш учун фойдаланувчиларга доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга берилиши мумкин.

9. Қисқа муддатли фойдаланиш 3 йилгача, узоқ муддатли фойдаланиш 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Фойдаланиш муддати рухсатномада кўрсатиб ўтилади.

10. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш йилнинг баҳор, ёз ва куз фаслларида амалга оширилади.

11. Фойдаланувчилар томонидан табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш кунннинг исталган вақтида амалга оширилиши мумкин Бунда бошқа шахсларга ҳалақит қилинмаслиги, шу жумладан фуқаролар тинчини бузувчи баланд овоздаги шовқинлар чиқарилмаслиги лозим.

12. Фойдаланувчилар томонидан пичан ўриш рухсатномада кўрсатилган ҳудуд ва белгиланган муддатларда амалга оширилиб, унинг миқдори чекланмайди.

13. Табиий пичанзор ва яйловларда пичанларни илдиз қисми билан ўриш мумкин эмас.

14. Фойдаланувчиларёки бошқа шахслар томонидан табиий пичанзор ва яйловларни ўзбошимчалик билан йўқ қилиб юбориш, шу жумладан ёқиб юбориш тақиқланади.

15. Ўзбошимчалик билан табиий пичанзор ва яйловларга етказилган зарар ёки нобудгарчиликлар ушбу зарар ёки нобудгарчиликни келтириб чиқарган шахс томонидан

қопланади.

16. Фойдаланувчилар табиий пичанзор ва яйловлардан фойдаланишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

табиий пичанзор ва яйловлар ва яйловдан ушбу нормаларга ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш;

бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ўзига етказилган зарар ўрнини қоплаш;

рухсатномада кўрсатилган ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланиш;

белгиланган муддатлардапичан ўришни амалга ошириш;

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

17. Фойдаланувчилар табиий пичанзор ва яйловлардан фойдаланишда қуйидагиларга амалга қилиши лозим:

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида белгиланган қоида ва нормаларга риоя этиш;

табиий пичанзор ва яйловлардан оқилона фойдаланиш;

табиий пичанзор ва яйловларга зарар етказмаслик;

пичанларни такрор кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёнғин хавфсизлигига риоя этиши ва ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириши, ёнғинлар чиққан ҳолларда эса уларни ўчириш чораларини кўриш;

махсус фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаш;

бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик;

ўзига берилган рухсатномадан бошқа шахслар фойдаланишига йўл қўймаслик;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаш;

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидаларга амал қилиш.

III. Якунловчи қоидалар

18. Табиий пичанзор ва яйловларда пичан ўриш билан боғлиқ низолар туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими, қишлоқ хўжалиги бўлими, туман ҳокимлиги ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан ёки суд тартибида ҳал этилади.

19. Ушбу нормаларга риоя этилишини назорат қилиш туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими томонидан амалга оширилади.

20. Ушбу нормаларни бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.